

TOSHKENT OQSHOMI



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Баҳоси келишилган нархда

№ 2 (14,157) 18 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА 2024 ЙИЛ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



@toshkand.uz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



@toshkandUz



Отабек МАҲКАМОВ:
“Камчиликларим билан
келишиб яшайман”

МАҲАЛЛАНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР

КЕНГАШИНING ТАШКИЛИЙ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ



Жорий йилнинг 15 январь куни Тошкент шаҳар ҳокимлигида Маҳаллани қўллаб-қувватлаш бўйича Тошкент шаҳар кенгашининг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Маҳаллани қўллаб-қувватлаш бўйича шаҳар кенгаши аъзолари Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаси, ички ишлар бошқармаси, шаҳар солиқ бошқармаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг шаҳар бошқармаси, Ёшлар ишлари агентлигининг шаҳар бошқармаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги вакиллари ва туманлардан МФЙ раислари иштирок этди.

Йиғилиш кун тартибидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-402-сонли Қароридан келиб чиқадиган устувор вазифалар, давлатимиз раҳбари раислигида 2023 йил 22 декабрда ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгилаб берилган маҳалла тизими фаоллари зиммасидаги устувор вазифалар, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг таъсис конференциясида иштирок этиш учун делегатларни сайлаш масалалари ўрин олди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш бўйича биринчи ўринбосари Хотамбек Шакиров очиб берди.

Унда таъкидланганидек, 2023 йил 26 сентябрда маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш, маҳалла “еттилиги” фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ўтказган йиғилишда Президентимиз томонидан муҳим вазифалар белгилаб берилган бўлиб, ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла бошқарув тизимини такомиллаштириш ва маҳалла “еттилиги” фаолиятини йўлга қўйиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йил 21 декабрда Фармон ва қарор имзоланган.

Ушбу Фармон ва Қарорда куйидаги масалаларга ечимлар ўз ўрнини топган:

Биринчидан, соҳада алоҳида махсус орган бўлмаганлиги маҳаллаларни ривожлантиришга бўлган эътиборни сусайтираётган, маҳаллалар фаолияти устидан назорат ва мониторинг давлат органи зиммасига юклатилганлиги уларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақомига зид бўлиб қолган эди.

Ушбу масаланинг ечими сифатида нодавлат

нотижорат ташкилот сифатида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда унинг вилоят ва туманлардаги бўлинмалари ташкил этилди.

Уюшмага Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг жами 982 та штати ўтказилди.

Бунда республика бошқарувида – 43 та, вилоят бошқармаларида – 8-12 та (аҳоли ва маҳаллалар сонидан келиб чиқиб) ва туман (шаҳар) бўлимларида – 3-6 нафар штат бирлигида бошқарув ходимлари фаолият кўрсатади.

Уюшма раиси мақоми ва бошқа шароитлар бўйича Бош вазир ўринбосарига, вилоят ва туманлар бўлинмалари бошлиқлари тегишинча ҳоким ўринбосарларига тенглаштирилди.

Уюшма фаолияти Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш фондидан ажратиладиган субсидия орқали молиялаштирилади.

Иккинчидан, Уюшманинг 9 та асосий вазифалари белгилаб берилди. Булар:

– маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги “кўприк” вазифасини амалга оширувчи халқчил тузилмага айланишини таъминлаш;

– ҳар бир фуқаро ўзи ва оиласининг келажаги, молиявий аҳоли ва фаровонлигини таъминлашда масъулиятни сезиши, боқимандаликка ўрганмаслик ҳиссини янада кучайтириш ишларини амалга ошириш;

– фуқароларнинг ўз уйи ва кўчасини озода сақлаш, миллий қадрият ва урф-одатларни ҳурмат қилиш, аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш чораларини кўриш ва бошқалар.

Учинчидан, Маҳаллани қўллаб-қувватлаш республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳар) кенгашлари ташкил этилди.

Бунда Республика кенгашига Бош вазир, ҳудудий ва туман (шаҳар) кенгашларига тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва ҳокимлар раислик қилади.

Кенгаш таркибига “маҳалла еттилиги”га кирувчи ташкилотлар раҳбарлари киритилди.

Президентнинг ташкилий-кадрлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари этиб белгиланди.

Кенгашлар жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади. Бунда Республика кенгаши – ҳар 6 ойда, вилоят кенгашлари – ҳар 3 ойда, туман кенгашлари – ҳар ойда камида 1 мартаба Уюшма ва бошқа давлат ташкилотлари фаолиятини баҳолаш ва муаммоларни ҳал қилиш юзасидан йиғилади.

Тўртинчидан, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси,

ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаолига 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан вазифалар юклатилган эди.

Молиявий ва маъмурий ресурслар мавжуд эмас. Ёрдам ва субсидиялар тайинлашда раис билан маслаҳатлашилмас эди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла раисининг нуфузи пасайиб кетган эди. Ҳурматли Президентимиз Фармони билан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, маҳалла раислари бундан буён куйидаги 5 та асосий вазифа ижросига масъул ҳисобланади:

1. Маҳалла ободлигини таъминлаш, “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезонларини жорий этишда аҳолининг фаол иштироки ва масъулиятини ошириш чораларини кўради, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида даракт ва бута кўчатлари экиш бўйича тарғибот ишларини амалга оширади.

Бунда ҳар ойда камида бир мартаба маҳалладаги барча кўчаларда оммавий ҳашар уюштилади, камида 2 та эҳтиёжманд оилаларнинг таъмирталаб хонадонидида кўни-қўшнилари жалб этган ҳолда, ҳашар ташкил этади.

2. Миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни тарғиб қилади, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни сақлаш чораларини кўради, тўй-маросимларни исрофгарчиликларсиз ихчам ўтказилишини таъминлайди.

Бунда ҳар чоракда бир мартаба диний уламолар, маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларни аҳоли билан миллий қадриятлар ва урф-одатларни сақлаш, тўй-маросимларни ихчам ўтказиш бўйича учрашувлар ташкил этади.

3. Маҳаллага бириктирилган давлат органлари вакиллари аҳоли муаммоларини ҳал этишга сафарбар этиш ва муаммоларга ечим топишини таъминлайди.

Бу борада маҳалла кенгашида ҳар ойда камида 5 та маҳаллага бириктирилган давлат органлари вакиллари маҳаллада амалга оширган ишлари юзасидан ахборотини эшитиб, муаммоларни ҳал этишда кўмаклашади.

4. Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходимга умумий раҳбарлик қилади, маҳаллани ҳар томонлама ривожлантиришда улар имкониятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўради.

Бунда ҳар ҳафтада ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходимларнинг ҳисоботини эшитади ва уларни ҳар бири ҳар ойда камида 10

тадан муаммоли масалаларни ҳал этишини назоратга олади.

5. Маҳалла ҳудудида қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади, шу жумладан, таълим, тиббий хизмат, спорт, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилади.

Бу борада ҳар ҳафтада бир маротаба маҳалла ҳудудидаги таълим ташкилотидида ўқувчиларнинг давоматини, оилавий поликлиникаларда (ҚВПларда) аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат ва патронаж ҳамшираларнинг оилаларга ташрифи, спорт ташкилотларининг аҳоли учун очиклиги, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари атрофининг тозаллиги ҳамда дарахтларни парваришlash ҳолатини ўрганади.

Шунингдек, бошқа ходимларнинг ҳам вазифалари Фармонда аниқ белгилаб берилган. Маҳалла раислари уларнинг ҳам вазифаларини билишлари керак (келгусидан улардан талаб қилиш ва ижросини назорат қилиш учун).

Бундан ташқари, “Маҳалла баланси” ягона платформаси яратилади. Бундан буён, давлат органлари фақат ягона платформада юритиладиган ҳисоботларни сўрайди, бошқа ҳисоботларни сўраш тақиқланади.

Бешинчидан, бугунги кунга қадар ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли ёрдам ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишда маҳалла раисидан мустақил эди.

Шунингдек, ёрдам ажратишда юқори турувчи ташкилотларнинг қарор қабул қилиши билан боғлиқ бюрократик жараёнлар мавжуд.

Фармон билан бунинг ечими сифатида қуйидагилар белгиланди:

1. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори маҳалла “еттилиги”ни ташкил қилади.

Худди шундай, вертикал тизим ҳам яратилди.

Жумладан, маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш бўйича Республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) кенгашлари таркибига “маҳалла еттилиги”га кирувчи ташкилотлар раҳбарлари киритилди.

Уюшма ва унинг ҳудудий бўлинмалари кенгашларнинг ижро органи сифатида фаолият кўрсатади.

2. “Маҳалла “еттилиги”нинг фаолияти асосий самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича алоҳида баҳоланади. Бунда кўрсаткичлар уларнинг иш берувчилари томонидан Уюшма билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Бунда раисларнинг роли кучайтирилди, барча аъзоларнинг KPI баҳолашнинг 20 фоизи маҳалла раислари томонидан амалга оширилади.

Ходимларнинг ишга келиб кетиши тўғрисидаги давоматни (табелни) маҳалла раиси томонидан юритиш тартиби жорий этилади.

3. 2024 йил 1 мартдан бошлаб “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” ҳамда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармалари орқали кўрсатиладиган жами 67 турдаги ёрдамлар ва субсидиялар “маҳалла “еттилиги”нинг коллегиял қарори асосида амалга оширилади.

Бунинг натижасида, моддий ёрдам тайинлашнинг 5 босқичли тартиби 3 босқичга туширилади. Маҳалла “еттилиги” ўзи мустақил қарор қабул қилади ҳамда ушбу қарорлар учун аҳоли олдида жавобгар бўлади.

Олтинчидан, шу пайтга қадар маҳалланинг солиқларни йиғишдаги роли ва манфаатдорлиги, солиқларни маҳалланинг инфратузилма муаммоларини ечишга қаратиш бўйича мослашувчан тизим мавжуд эмас эди.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида Фармонда 1 январдан бошлаб маҳалла бюджетини шакллантириш ҳамда уларда шаклланидиган маблағларни маҳалла “еттилиги”нинг коллегиял қарорлари орқали инфратузилмани яхшилашга йўналтириш белгиланди.

Еттинчидан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” платформалари “Маҳалла баланси” ягона платформасига интеграция қилинади.

Бу эса маҳалла аҳолисини тўлиқ ушбу платформага киритиш, ёрдам олаётган шахслар тўғрисидаги маълумотни очиклаш ва маҳалла “еттилиги” фаолиятига баҳо бериш имконини яратади.

Бундан ташқари, “Темир дафтар”ни юритиш вазифаси “Инсон” ижтимоий хизмат марказига ўтказилади. Бунда “Саховат ва кўмак” жамғармасидан ёрдамлар индивидуал дастурга асосан фуқароларнинг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш ва шундай вазиятга тушганларни оғир вазиятдан чиқаришга йўналтирилади.

Саккизинчидан, бугунги кунда Тошкент шаҳрида 585 та маҳалланинг 15 таси ўз

биносига эга эмас. Бундан ташқари, маҳалла биноси бўйича коммунал тўловлар, канцелярия моллари ва бошқа харажатлар учун маблағлар ажратилмаслиги билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд эди.

Ушбу масалаларнинг ечими сифатида Фармонда “маҳалла еттилиги” учун қулай ва ихчам биноларни ўзида мужассам қилувчи маҳалла идораларининг намунавий биноси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари, давлат-хусусий шериклик ва бошқа манбалар ҳисобидан ўз биносига эга бўлмаган маҳаллаларда биноларни уч йил муддатда қуриб топшириш белгиланди.

Шунингдек, маҳаллалар фаолиятини жорий таъминлаш (маҳалла раисининг иш ҳақи, коммунал тўловлар, канцелярия моллари кабилар), моддий-техник базасини мустаҳкамлаш республика бюджети ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Яна муҳим янгилик – Инвестиция дастурларини шакллантиришда маҳалла “еттилиги” томонидан билдирилган таклифларни инobatта олиш амалиёти йўлга қўйилади.

Шунингдек, Қарорда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонунларнинг янги тахрирдаги лойиҳаларини ишлаб чиқиш белгиланди.

Ушбу қонунларга маҳалла раиси сайловини аҳоли томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказиш, ваколат муддатини 3 йилдан 5 йил муддатга узайтириш каби муҳим қоидаларни киритиш зарурлиги белгилаб берилди.

Бундан ташқари, қонунларга маҳалла “еттилиги” таркибига лавозимларга тайинлашда ушбу маҳаллада яшовчи номзодларга устуворлик бериш, маҳалла раисининг сўровига жавоб бермаслик ёки тақдимномасида қўйилган масалани кўриб чиқмаслик учун жавобгарлик киритиш, маҳалла раислари ўз фаолиятида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйганда, халқ депутатлари туман (шаҳар) маҳаллий Кенгашлари томонидан уларга нисбатан ишончсизлик билдириш кабиларни киритиш белгиланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ-402-сонли Қарори билан жорий йил 1 январдан бошлаб хотин-қизларнинг ҳақ тўланадиган жамоат ишлари асосида ўн бир ойгача муддатга маҳаллада иш юритувчи бўлиб ишлашларига рухсат берилди.

Йиғилишда юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда секторлар раҳбарлари мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла раислари билан биргаликда маҳаллаларда янги ташкил этилган “ижтимоий ходим” ва “солиқ инспектори” лавозимига номзодларни танлашда яна бир бор уларнинг белгиланган талабларга муносиблигини, зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ижро эта олиш қобилияти ва масъулиятига эътиборни қаратишлари лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, “маҳалла еттилиги”га масъул ташкилотлар раҳбарлари бир ҳафта муддатда “маҳалла еттилиги” учун график асосида малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, ҳар бир секторда ўқув-семинарларини ташкил этиши лозим. Маҳалла раислари уч кун муддатда ўз маҳаллалари Кенгашлари йиғилишларини ўтказишлари ҳамда Фармон ва Қарорлардан келиб чиқиб, “еттилик”ни ҳар бири амалга оширадиган вазифаларни ва маҳалланинг чораклик иш режасини белгилаб олишлари зарур.

Шунингдек, маҳалладаги жамоатчилик тузилмалари, айниқса “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ва “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари, ҳар бир кўча бўйича масъуллар (кўчабоши эркак ва аёл), нуруний отахон ва онахонларни йиғиб, уларга Фармон ва Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича вазифаларни ҳамда маҳалланинг режасини етказиш ва улар орқали маҳалла аҳолиси ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш ҳамда “маҳалла еттилиги”нинг Фармон ва Қарорда белгилаб берилган вазифалар ижросини самарали ташкиллаштиришлари зарурлиги ҳақида кўрсатма берилди.

Шунингдек, йиғилиш давомида 5 кишидан иборат ишчи ҳайъат аъзолари сайланди.

“Маҳаллабай” ишлашга масъул бўлганлар фаолиятини самарали ташкил этишда қонунда белгиланган ваколатларини амалга ошириш учун кўмаклашишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилиш сўнгида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг таъсис конференциясида иштирок этиш учун 10 нафар делегат сайлаб олинди.

Шоҳида ЗУФАРОВА тайёрлади





Отабек МАҲКАМОВ: “УРИНИШЛАР, МАҒЛУБИЯТЛАР, ЙЎҚОТИШЛАР... МУВАФФАҚИЯТ!”

Отабек Маҳкамов!
Юрист, актёр,
журналист, мотиватор,
блогер, саёхатчи ва яна
бир қанча замонавий
касбларни пухта
эгаллаган шахс. Бу
инсон мулоқотни қайси
нуқтадан бошлашни
билади, суҳбатдошини
ўзига эргаштира олади.
Дунёнинг кўплаб
мамлакатларига
саёхатга борган.
Унинг саёхатлари
нафақат ўзи, балки
интернет тармоғидаги
кузатувчилари учун
ҳам манфаатли! Боиси
Отабек Маҳкамов
қадами етган жойдан
видеоматериалларни
аниқ маълумотлар
асосида тақдим этади.
Бу ҳам ижодкорнинг
ўзига хос хусусияти.
Назаримда ортиқча
таърифга ўрин
йўқ. Суҳбатни
ўқинг, фурсатларга
ачинмайси.



актёрларимдан бири шундай деган эди: “Шахсий ҳаёт ҳамиша шахсийлигида қолиши керак. Шунинг учун ҳам у шахсий”.

— **Айни пайтда хорижда оилангиз билан истиқомат қиласиз. Фарзандларингизга миллийлигимизга хос бўлган хусусиятларни сингдира олаяпсизми?**

— Яқинда менга: “агарда фарзандларингиз сизга биттагина сўз билан таъриф беришганда у сўз қандай бўлишини хоҳлардингиз?” деб савол беришди. Мен: “фикрдошим ёки сирдошим”, деб жавоб бердим. Фарзандларим билан дўст бўлишга ҳаракат қиламан. Биз баъзи нарсаларни ота-онамизга айтишга қўрққанмиз. Уларга айтишни ўрнига бировларга айтиб қўйиб, жуда катта зиён кўрган пайтларимиз ҳам бўлган. Шунинг учун ота-она биринчи ўринда фарзанд билан дўст бўлиши керак. Ва, албатта инсон келиб чиқишига қараб мамлакатини, миллатини эслатиб туриши керак. Мен яшаётган Нью-Йоркда фарзандга иккита исм қўйилади. Биринчиси американча исм, ўша мамлакатда туғилгани учун, иккинчиси эса ота-онаси қаерда туғилиб, ўсган бўлса, ўша ерга хос исм қўйилади. Нима учун? Одам ўзлигини йўқотиб қўямаслиги учун. Яқинда бир танишим АҚШ фуқаролигини олди ва фуқаролик қабул қилаётган пайтда унга судья: “Бугун сизлар бу хонада умуман бошқа одам бўлиб, америкалик бўлиб чиқиб кетасизлар. Лекин ҳеч қачон қаерда туғилганингиз, қадриятингизни унутмаган ҳолда фарзандларингизни улардан хабардор қилиб боринглар”, дебди. Фарзандларимиз қаерда туғилишидан қатъий назар бу жуда муҳим.

— **Ташқаридан қараганда кучли шахссиз. Шундай таассурот қолдирасиз. Сизнинг ҳам ожиз томонларингиз борми?**

— Етарлича кўп... Камчиликлар ҳаётимиз давомида биз билан бирга юрадиган нараса. Максим Горькийнинг яхши гапи бор: “Биз камчиликларимизни йўқ қила олмасак-да, улар билан келишиб яшашни ўрганишимиз керак. Мен ўз камчиликларим билан келишиб яшашга ҳаракат қиламан. Ёшлигимдан омма олдида гапиришдан тортинар эдим. Ҳалигача бу камчилигим сақланиб қолган. Ҳалигача катта тадбирларда саҳнага чиқишдан олдин ҳаяжонланаман. Лекин бу камчиликларимизни ўзимиз ва Яратган билиши керак. Ўзгаларга билдирмаслигимиз лозим. Агар биз уларни беркитмасак одамлар бизни фақат камчиликларимиз орқали таниб қолишлари мумкин.

— **Муваффақиятга эришган одамнинг душманлари бўладими?**

— Ойим менга кичиклигимда: “ҳеч қачон душманинг бўлмасин”, деб уқтирган эдилар. Аммо мен буни юз фоиз тўғри гап, дея олмайман. Яқинда Чарльз Маккейни “Душманларим” номи бир шеърини ўқиб қолдим. Мумкин бўлса айтиб бермоқчиман.

— **Сиз ҳамиша кўз ўнгимизда тинимсиз ривожланаётган шахс сифатида намён бўласиз... Ҳамиша интилиш, ривожланиш, ўз устида ишлаш инсон тақдир учун муҳим эканлигини қачон англагансиз?**

— Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам беш ёшимдан! Айнан шу ёшдалигимдаёқ уйимиздаги бир қондани катталар каби, мен ҳам қабул қилганман. Яъни ҳар шанба ва яқшанба кунлари оила аъзоларимиз билан чет тилларида гаплашардик. Агар кимдир бу қондани билиб-билмай бузиб юборса, жазо ҳам шунга яраша эди.

— **Инсон энг катта кучни оиласи ва яқинларидан олади, десам хато бўлмайдами? Муваффақиятга эришишда уларнинг ўрни қай даражада катта?**

— Яқинларининг таъсири эллик фоиз, қолган эллик фоиз эса инсоннинг ўзига боғлиқ, деб ўйлайман. Юксакликка интилиш, жамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишида ота-онанинг ўрни катта. Бироқ айтиб ўтганимдек, бола ҳам ота-онанинг қистовини кутиб ўтириши керак эмас. Ўзи учун интилиши керак. Яқинда Японияда бўлдим, японияликларнинг ўзбек халқига ўхшаш жиҳати жуда кўп, мисол учун ота-онага бўлган эҳтиром. Улардан фарқимиз ҳам етарлича, улар беш ёшга тўлгунча болага “тегишмайди”! Шу ёшдан кейин нимага қизиқишига қараб яхши эмас, энг зўр ўқитувчига олиб боради. Ота-она бор пулини боланинг таълим-тарбияси учун сарфлайди. Биз эса афсуски, тўй-ҳашамларга сарфляпмиз. Бир ёшли болага етти юз кишилик тўй қилинаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Биз бу билан эмас боламиз дунёнинг нуфузли олийгоҳларида ўқиётгани билан мақтанишимиз лозим аслида...

— **“Юксаклик сари тасодиф бўлмаган 100 та учрашув” номи китобингиздаги шахслар билан боғлиқ интервьюлар, кечинмалар, хулосалар алоҳида бўлимларда берилган. Шифокорлар, сиёсатчилар, санъаткорлар ва ҳоказо... Яқинларингиз ҳақидаги бўлим уларнинг орасида энг қисқаси...**

— Чунки мен шахсий ҳаётни кўп кўрсатишни ёқтирмайман. Менинг энг севимли

*Дейсан душманларсиз ўтди бу ҳаёт,
Наҳот шараф бўлса бундайин иснод!*

*Кимда устун бўлса номус, ор ва шон –
Унинг ҳаёт йўли ўтмагай осон.*

*Рақиб йўқ кўтариб ҳаммининг кўнглин,
Ярим юрак билан яшаганин чин.*

*Билмай сохталикни фош этмоқ дарсин,
Йиртиб юбормадинг ёлгон пардасин,*

*Топтаб ташламадинг сотқин кимсани.
Тан ол кўрқоқларнинг бўлмас душмани!*



— PR тушунчасини ўз ижодингизга қанчалик сингдира олдингиз?

— Мен учун PR таълим ва билим орқали бўлган тарғибот. Унинг икки тури бор: оддий ва қора PR. Қорасига эришиш жуда осон. Бугун машҳур бўлиш ҳам қийин бўлмай қолди. Лекин эришилган даражани ушлаб туриш, зиёли аудиторияни йиғиш

– ҳар қандай мамлакатда ҳам машаққатли иш. Дунёнинг энг машҳур таълим даргоҳларидан бири – қирол ва қироличалар, бош вази́рлар, Нобель мукофоти совриндорлари таълим олган Оксфорд университети ҳақида жуда қизиқарли фактлар ва интервьюларга бой видео жойладим, бироқ жуда кам кўрилди. Бошқа бир каналда мен билан бир кунда бошқа бир санъаткорнинг ўта шахсий бўлган ҳаёти ҳақида жойланган интервьюни эса бир неча миллион одам кўрган. Ўша интервьюнинг сарлавҳаси санъаткорнинг беш фарзанди бешта эркакданми, деган маънода эди. Агар мен фаолиятимни тўхтатадиган бўлсам бундай видеоларни кўрувчилар сони кўпаяди, деган хулосага келдим. Зиёли қатлам шукрки бор ва мен уларни бир жойга йиғаяпман. Улар ҳам канал очишсин, улар ҳам зиёни тарқатишсин! Агарда зиёлилар бирлашсак, балки, жадидчилар орзу қилган жамиятни қура олармиз. Афсуски, бутун дунёда энгил мавзулардаги контентларга қизиқувчилар кўпроқ. Мен эса деярли рақобат йўқ йўналишдан кетдим ва бир ижодкор эришиши мумкин бўлган нарсаларга эришдим. Биринчи навбатда ўз ижод маҳсулим, яъни китобимни давлатимиз раҳбарига ҳадя қилиш бахтига муяссар бўлдим. Иккинчиси, бир миллион обуначига эга бўлдим, учинчиси эса таниқли ва ҳурматли бўла олдим. Бачкана видеолар олаётганлар бирор дўкон ёки ресторанга боришса, уларни ҳамма таниши мумкин, лекин уларни ҳамма ҳурмат қиладимиз? Бачканалик лимитида ўтиб кетганларга биттагина саволим бор: “улар қачондир қудандалик бўлмоқчиси ёки йўқ?”, жавоб шарт эмас.

— Баъзида кўнглимиз тортмаса ҳам ўзимизга ёқмаган давраларга боришимизга тўғри келади. Сиз шундай ҳолатларда қандай йўл тутасиз?

— Бундай ҳолатлар бўлган ва менимча бўлади ҳам. Русларда яхши мақол бор: “Қаерда сени ёқтиришмаса у ерга бормагин, қайси давра сени ёқтирса камроқ боришга ҳаракат қилгин”. Камроқ кўринса, ҳурмат кўпроқ бўлади. Лекин баъзида шундай давраларга боришга мажбур бўламан. Яқинларим, қариндошлар, дўстлар илтимос қилишади. У даврага борганда менга савол ёки сўз беришмагунча гапирмайман. Агар сўрашса, албатта жавобини олишади. Бўлмаса чойимни ичиб ўтиравераман, менга бу позиция жуда ёқади. Лекин ўзимга ёқмаган даврага кирганимда ҳам у ердан ўзим учун ниманидир кашф этиб қайтаман. Бирор яхши одам билан танишиб қолишим мумкин ёки айрим инсонлардан қандай бўлмаслик кераклигини ўрганишим мумкин. Суқротнинг шундай гапи бўлган: “Бу дунёда бизга ҳеч ким дўст эмас, душман эмас, лекин ҳар бир инсон — биз учун улуғ инсон”. Кечаги кун бугун келмайди, шундай экан ҳар бир кунимиздан сабоқ олишимиз шарт!

Миржалол МАҲКАМОВ тайёрлади

Шундай экан, биз душманларимиз борлигидан умуман хавотир олмаслигимиз керак. Албатта, уларни кўпайишига ҳам йўл қўймаслик лозим. Атрофдаги

одамларнинг гапига қарамаган ҳолда, ўз ишимизда супер профессионаллик билан ҳаракат қилишимиз лозим. Сиз ўз устингизда ишланг, диний ва дунёвий билимларни чуқур тарзда ўрганинг ва мукамаллаштиринг. Юрагингизга яқин мавзу ва йўналишлар албатта келади. Бутун жамоани, атрофдагиларни гапига қараб иш қилиш шарт эмас. Генри Форд шундай деган эди: “Агарда қачонлардир одамларни гапига қараб иш қилганимда, машина эмас тезюрар отни ихтиро қилган бўлардим”.

— **Эркин Воҳидов: “Жаҳонда иккита куч бор — юрак ва ақл доим шу иккисининг ўртасида сарсонман”, деган эди. Сиз мана шу иккита кучни ўртасида ўзингизни қандай ҳис қиласиз?**

— Агар иккисининг ўртасида мувозанат бўлмаса, биз юксакликка яқинлаша олмаймиз. Ақл бизга берилган энг катта неъматлардан бири ва унда чексиз имкониятлар бор. Ўттиз-қирққа яқин тилларни ўзлаштириб, минглаб китобларни ўқиган танишларим бисёр. Уларнинг фикрига кўра, бу натижа ҳали бизнинг миямиз, яъни ақлимизнинг лимити эмас! Юракка келадиган бўлсак, ҳиссиёт бир тарафдан керак, бир тарафдан эса йўқ. Чунки, муҳтожларга ёрдам бериш, яхшиликлар қилиш учун юрак керак. Лекин бунинг минуслари ҳам бор. Баъзида ҳиссиётларга берилиб, катта хато қилиб қўйишимиз ҳам мумкин. Бир ёзувчининг гапи бор: “бизнинг энг катта душманларимиз бу — бизнинг ҳиссиётларимиз”. Шундай экан уларни ҳам назорат қилишни ўрганишимиз керак.

— **Бугунги ғалабаларга қадар мағлубиятлар, хатолар, йўқотишлар бўлдимиз?**

— Албатта бўлган... Мен бу борада доим Наполеон Бонапартни гапини эслайман, у шундай деган: “Ғалабанинг ота-онаси кўп, мағлубият эса ҳамиша етим”. Бундай ҳолатлар фаолиятимнинг ҳар жабҳасида бўлган. Ойим шунақанги тушкунликка тушиб қолганларки, бир зумда ичакларида саккиз сантиметрлик ўсма пайдо бўлган ва бу мен учун жуда катта йўқотиш эди. Инсон қандай муаммолар қаршисида бўлишидан қатъий назар ўзини стрессдан сақлаши лозим экан. У вазиятлар ўтади, муаммолар ҳал бўлади, лекин йўқотганлар ёлғиз қолишади. Онани йўқлиги энг катта бахтсизлик, бу дардни онани йўқотганларгина билади холос.

Мен мағлубиятларни кичкина муаммолар, деб биламан. Аслида мағлубият йўқ, мағлубиятга бўлган муносабат бор. Агар ғалабага ҳам тўғри муносабатда бўлмасак манманликка, кибрга ҳам берилиб кетишимиз мумкин. Шундай экан, инсон қандай ютуққа эришишидан қатъий назар ундан-да зўрлари бор ва бўлганлигини ёдда тутиши лозим. Машҳур актёр Сильвестр Сталлонедан интервью олганимда ўзимга-ўзим: “бу яхши ғалаба лекин, ундан-да зўрига интилишим керак”, деганман. Одам қандай йўналишида бўлса ҳам шундай фикрлаши лозим, деб ўйлайман.





Раҳмат Файзий, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ОҶА

Ўшамасди. Тўлишган, қоп-қора қуюқ қошлари сап чимирилгандай, кўзлари унга тик қараб турибди. Меҳри опа узоқ тикилди, яна кўзига ёш олди, ёш доналари гоҳ дув-дув тўкилар, гоҳ пастки лабини қимтиб, уни ютиб юборарди. Охири кўз олди хиралашди, суратдаги Валижон эмас, беш ойлик мурғак кўринди. Чақалоқ эмас, бир ҳовуч суяк, ичичига ботган қора кўзлари, қуюқ қошлардан бўлак, қонсиз, рангсиз этнинг ўзи.

...Эр-хотин комиссия ҳузурида узоқ туришди. Врачлар чақалоқни беришга рози бўлишмади. «Ҳали ярим ёшга ҳам тўлган эмас, бунинг устига касал, бера олмаймиз», дейишди. Аллақандай касални айтишди. Сут ҳам ичмасмиш, ичгани ҳам шундай ўтармиш. Бу сафар Меҳри опа боланинг бирон кими бор-йўқлигини сўролмади. Бу юракка сиғармиди? Уйга келиб эр-хотин бир оғиз ҳам гапиришмади. Кечки овқатни ҳам унутишди. Меҳри опа туни бўйи осмонга тикилиб, мижжа қоқмай тонг оттирди. Эртаси куни яна борди. Бу гал врачлар «эплай олмайсиз», дейишмади, «эплаб бўлмайди», дейишди. Ҳаммасидан оғири «эмиза оладиган бўлганингизда ҳам бир нав эди», дейишгани бўлди. Хотин кишига бу сўзларни айтиш ҳам, эшитиш ҳам қанчалик оғир бўлмасин, тўғриси гапирмай илож йўқ эди. Меҳри опа она бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас. Озмунча боқтирдими ўзини? Меҳри опа ўпкасини тутолмай йиғлаб юборди, назарида болани фақат ўзи, унинг ўзигина сақлаб қоладигандай бўлар, йиғи аралаш «наҳотки... Ахир гулдай мурғак...», дейишдан бошқани билмасди. У, боланинг онаси урушнинг дастлабки ҳафтасидаёқ бомба тагида қолиб ўлганини эшитиб, қаттиқ эзилди. Эри билан хомуш бўлиб кўчага чиқди, уйга қандай етиб келганини ҳам билмади.

Меҳри опанинг чақалоқни ўз тарбиясига олиш истаги аста-секин унда оналик меҳрини уйғотди. Чақалоқлар уйига ҳар куни борадиган, гоҳида кечгача болага термилиб ўтирадиган бўлиб қолди. Буни эри ҳам сезарди, дардини янгиламаслик учун бу тўғрида оғиз очмасди. Врачлар ҳам кўниқиб қолишди. Меҳри опа эшиқда кўриндими, дарров халат беришар, чақалоқнинг саломатлиги бирдек бўлса ҳам «анча дуруст», деб кўнглини кўтаришар эди. Шу зайлда бир неча кун ўтди. Охири чақалоқни неча хил шарту писандлар билан Меҳри опа тарбиясига беришди, врачлар хабар олиб турадиган бўлишди.

Меҳри опанинг бутун вужуди, фикр-хаёли чақалоқда бўлди. Ҳамширалар ҳар куни хабар олишар, махсус тайёрланган сут келтириб беришарди. Меҳри опанинг эри Маҳкам ака бир ярим сменада ишлашга ўтган, заводдан кеч қайтарди. Чарчаб келган бўлишига қарамай, у ҳам узоқ вақтгача чақалоққа термилиб ўтирарди. Бундай пайтларда у ўзини тутолмас, ҳозир аллақимдан ўч олмоқчидай кўлларини мушт қилиб, ғазаб ўтида ёнар, хотинига сездирмай секин ўрнидан туриб ҳовлига чиқиб кетарди.

Ёзнинг жазирама иссиғи еру кўкни қиздиради. Мевалар шундай қилганки, шохларини синдиргудай бўлиб ётибди. Меҳри опанинг кўзига ер билан битта бўлиб, тағларида тўкилиб ётган олмалар ҳам кўринмасди. Уларни Маҳкам аканинг ўзи ишдан қайтганда челақ-челақ қилиб териб оларди. Бир дам олиш куни Маҳкам ака дарахт тағларини тозалаб, мана шу эртапишар кекса ўрик тагига тахтадан каравот ясади, йўғон шохига беланчакни илиб, жой қилиб берди. Меҳри опа эртадан-кечгача чақалоқни бағридан қўймай шу ерда ўтирарди.

Орадан бир ойдан мўлроқ вақт ўтди. Бироқ чақалоқ бирдай, кўзлари борган сари ичичига

тушиб кетаётгандай эди. Меҳри опа унинг пилтакачдай оёқ-қўлларини авайлаб силар, назарида, соатлаб қилган бу ҳаракатлари гўдакка малҳам бўлаётгандай туюларди. Жавдираган митти кўзлар, қорачиғи ёш пардаси билан ювилган умидвор кўзларга тикилиб турарди.

Бир куни сут келтирган ҳамшира Меҳри опани чақалоқни кўкрагига босиб, оғзига эмчак солаётгани устидан чиқиб қолди. «Фойдаси борми бунинг?», демоқчи бўлди-ю, ўзини босди. Меҳри опа «зора...», деб оғиз жуфтлаганида, ҳамшира унга далда берди: «Майли, она кўксининг ҳароратини сезар-ку». Меҳри опа шу куни чақалоқни кўксидан ажратмади. Сут ичириш пайтидагина шишанинг оғзидан сўргични тутгани бўлмаса, Маҳкам ака ишдан келгунча шу зайлда ўтирди. Эри буни дарров пайқадди-ю, унга ҳеч гап айтмай, овқатга ўзи уннай бошлади.

Меҳри опа шу кеча ухламай ўтириб чиқди. Унинг қуруқ кўкси чақалоққа дармон бўлаётганини эртаси кечаси, кўзи энди илинай деганда, гўдак тамшаниб алланарсага интилаётганида аниқ сезди. Уйқуталаб кўзлари чарақлаб кетди, болани авайлаб бағрига қаттиқроқ босди. Тонг ёришаётганида, ҳа, худди кумуш тонг билан бирга Меҳри опанинг кўзидан тирқираб ёш, кўксидан сут келди. Уни мана шу тонг бошлаб келдимикан? Йўқ, тонгдай шаффоф, пок онанинг қалби бошлаб келди. Меҳри опанинг аззойи баданида аллақандай титроқ турди, ҳаяжон босди, юзлари чўғдай қизиди. Пишиллаб эмаётган чақалоқнинг юзларига қон югурдими, ё унга шундай кўриндими, билолмади. Сўргичдан эмганида бунчалик пишилламаслиги эсига тушди. «Меҳр сути бу. Шуни кутиб турганингни билардим», деди ўзича пичирлаб.

— Ҳой, дадаси, турсангиз-чи?! — деб юборди тўсатдан. У бу сўзни шундай оҳангда айтдики, ҳозирги севинчининг ҳаммаси шу сўзда ифодалангандай бўлди.

Маҳкам ака шошиб бошини кўтарди. Ҳеч нарасага тушуна олмади. Хотинини, ўн саккиз йиллик хотинини, мана шундай ҳаяжон ичида биринчи марта кўриши эди. Дам унга, дам болага тикилди. Сўролмади, барибир жавоб ҳам ололмасди. Меҳри опа: «Шакарнинг ози ширин», дегандек, болани кўкрагидан оҳиста ажратди. Унинг қовжираган лабидан сут юқини доканинг учи билан артар экан, Маҳкам аканинг кўзлари чақнаб кетди, «Меҳри!» деганича, чақалоққа қўл узатди. Чақалоқ уйқуга кетган эди.

— Мана, дада, мени ойм эмиздилар,— деди бола тилидан Меҳри опа.

Бу воқеа, ким айтибди экан, бир зумда ҳаммаёққа тарқалди. Қўни-қўшни хотинлар худди Меҳрихоннинг кўзи ёригану, уни кутлаш лозимдек, кетма-кет келиб туришди. Чошгоҳга яқин бир эмас, уч врач ва бир ҳамшира кириб келди. Врачлар болани ҳам, Меҳри опани ҳам қайта-қайта кўришди. Улардан бири, кўзойнакли кекса хотин ҳаммадан кейин қолиб, узоқ суҳбатлашди. Нуқул, «қандай бўлди?», «йиғлармидингиз?», «неча кун ухламадингиз?», ҳатто, «илгарилари эрингиз туғмадинг, деб дакки берармиди?», деганга ўхшаш жуда кўп саволлар берди. Охириги Меҳри опага оғирроқ ботди. Ахир Маҳкам ака бирон марта бундай гапни хаёлига ҳам келтирмаган-ку. Врач уни юпатди, саволларининг ҳаммаси зарурлигини, бу воқеа медицина учун катта аҳамиятга эга эканлигини айтди. Кейин анча маслаҳатлар бериб, «келиб хабар олиб тураман», деб чиқиб кетди.

Чақалоқ уч кунгача нари бориб, бери келди. Врачлар: «шундай бўлиши мумкин», дейишди. Кейин бола кун сайин эмас, соат сайин тўлишиб борди. Бир яшар бўлганида шундай етилдики, кўрганлар танимайдиган бўлиб қолди. Маҳкам ака ҳар куни эрталаб қўлига олмасдан тура олмасди. Меҳри опа Валижоннинг оғзидан биринчи дафъа «ая» деган сўзни эшитган куни назарида ҳамма азоблари ювилгандай бўлди.

Улуғ Ватан урушининг оғир йиллари эди.

Почтальон худди ўз уйига кираётгандек бемалол дарвозани очди-да, тўғри ҳовли саҳнида турган стол ёнига борди. Елкасидан сумкасини олмаган ҳам эдики, ровонда дарс тайёрлаб ўтирган болалар олдинма-кетин югуришиб келиб, уни ўраб олишди. Почтальон уларга газеталарни берди-ю; «буниси эгасига», деб хатни яширди. Болаларнинг каттаси почтальоннинг елкасидан бўйини чўзиб, конвертдаги таниш адресни кўриб олди, севинчини юрагига сиғдирилмай, «Ойи, Валидан...», деб қичқириб юборди. Кенг ҳовлининг нариги чеккасида, дарахтлар орасида юрган Меҳри опа шошиб қолди, қўлидаги чўткани тоғорага ташлаб, почтальон ёнига келди. Унинг липпага қистиригил қўйлаги ва юз-қўлларига оҳак сачраган эди.

— Боққа кириб олиб, салқинда қуртава қилаяпсизми, Меҳри опа? — ҳазил қилди почтальон.

— Ҳа, мана бу дарахтларга вақтида қарамасанг бўлмайди, укаларинг бўлса дарсидан ортмаяпти, — деди Меҳри опа, кейин бир нарсга эсига тушгандай гапидан тўхтаб, почтальоннинг юзига тикилди.

— Ҳой, Назира, менга қара, туф-туф, кўз тегмасин, бирам тўлишибсанки, вой содалигим курсин, тушунмабман-а, кўнглинг қуртава тусаётганга ўхшайди-я?

— Йўқ, қўйинг-э, ўзим шундай гапирдим-да, — уялиқиради Назира.

— Яхши. Бўлсин, синглим, фарзанд бўлсин, — Меҳри она болаларига қаради, — қани, боринглар-чи, хатни кейин ўқиб бераман.

Меҳри опа Назирани дарвозагача кузатиб қўйди. Кузатди-ю, бир неча қадам босгунча ўтган фурсатда хаёли ўн-ўн беш йилни кезиб чиқди: Назира почтага кирганида ёшгина қиз эди. Сумкаси тўлалигидан зўрага кўтариб юрарди. Уруш йиллари ҳамманикидан кўп шу уйга қатнаганман, деса янгилашмайди. Нотаниш шаҳарлар, нотаниш меҳрибонлардан даста-даста хат, посилкаларгача ўзи олиб келарди. Кунига уч-тўрт мартадан қатнаган пайтлари ҳам кўп бўлган. Урушдан кейин у турмушга чиқди. Биринчи марта юзларига доғ оралаб, ҳомиладорликнинг нишонаси сезилган кезларда эшиқдан кирди-ю, Валини маҳкам қучоқлаб, юзларидан чўлпиллатиб ўпарди, кейин сира тортинмай: «Меҳри опа, ўғил кўрсам Валидек бўлса, жон-жон дердим», деб қайта-қайта такрорлар эди. Ниятига яраша тўнғичи ўғил бўлди. Мана, тагин бошқоронғи...

Меҳри опа биринчи конвертни очди. Ундан таклифнома чиқди, кечқурун соат еттига, клубга чақиришибди. Иккинчисини очди-ю, хатнинг қатидаги расмга кўзи тушиши билан тўхтаб, унга тикилиб қолди. Кўзларидан беихтиёр оққан ёш томчилари юзидан думалаб, кўкрагига тушди. Ровондан қизи Розиянинг йиғлаган товушини эшитмаганида ҳадеганда ўзига келмасди. Дарров расмини яшириб, кўз ёшини артди. Ровонга қарамади. Эрининг: «Кўз ёшингни қўй, болалар кўрса, Валичалик эмасмизми, деб ўксинишади, яхши эмас, Вали болангу, булар ўғайми!», деган гапи яна такрорлангандай бўлди. Тўғри боғнинг ичкарасига, танасини боя оқлаб қўйган ўрик дарахти тагига бориб ўтирди. Расми яна қўлига олди: буниси аввалгиларига сира

Ўзбекистонга фронтда ҳалок бўлганларнинг болалари келтирилиб турилди. Эр-хотин маслаҳатлашиб шу болалардан яна бир-иккитасини ўз тарбияларига олмоқчи бўлишди. «Фронтга шу билан ёрдам берайлик, хотин», деди Маҳкам ака, бир неча ой мобайнида улар — жўжабирдек жон — кўп болалик ота-она бўлишди. Ун икки ўғил-қизли ота-онанинг донги бутун мамлакат бўйлаб таралди. Сал ўтмай бу ҳовлига фронтдаги жангчилардан хат, нотаниш кишилардан совғалар кела бошлади.

Бир кун Назира ўрта ёшлардаги бир жувон билан уйга кириб келди. Жувон: «Ксения» деб ўзини танитди-ю, бесаранжом бўлиб атроф-теваракка қарай бошлади. Кейин Меҳри опани кучоқлаб йиғлаб юборди. Бу — Валижоннинг опаси эди... Ксения бир ойча меҳмон бўлди. Бироқ бирон марта ҳам: «укамни олиб кетаман», деб оғиз очмади. Буни айтиш қанчалик зарур бўлса, Меҳри опага шунчалик оғир бўлишини биларди. Эр-хотин ҳам буни тушунарди. Ксениянинг эри фронтда ҳалок бўлгани, бир қизи билан ёлғиз қолгани Меҳри опада унга нисбатан туғишгандай ҳис уйғотди. Охири улар кўнишди.

Мана, тўрт йилдирки, Валижон опаси билан бирга, Днепр ёқасидаги шаҳарда яшайди, ҳар йили ёзги каникулда опаси билан Тошкентга келиб, шу ерда дам олиб кетади...

Меҳри опа кўлидан расми кўкрагига босиб шуларни хаёлидан ўтказар экан, ўриқнинг йўғон шохидида арқон изига кўзи тушди. Ҳа, беланчак арқонининг изи бу. «Эсингдами, Валижон, унда сен мана шу новдадай нозик, нимжон эдинг, энди-чи?.. Энди?..». У, яна расмга тикилди. Бунисида

алланарса камдай. «Ҳа, вой соддалигим курсин, галстуги йўқ-ку, бунинг. Вой, мана. Кўкрагидаги... комсомол значогими? Менинг Валижоним комсомол?!»

Меҳри опа хатни ўқий бошлади. «...Ойижон, қишда мен мактабимиз йўлидаги музлаган кўлда яхмалак отаётган қизни кўриб қолдим. Кўрдиму ўтиб кетавердим. Бирдан қиз чинқириб қолди. Ўгирилиб қарасам, муз ёрилиб, чўкиб кетаётди. Дарров орқамга қайтиб, қорним билан муз устига эмаклаб бориб, қизнинг кўлидан тортидим. Роса қийналдим. Ўзим ҳам сувга тушиб кетишимга сал қолди. Яхшики, уни қутқариб қолдим. Ростда. Ёрдам бермасам чўкиб кетарди-да, ўзингиз шундай дер эдингиз-ку, буни мен сизга ёзмаган эдим. Яқинда ўша қизнинг дадаси менга, устига отим ёзилган соат мукофот берди. Мукофотни сбир йиғилишида топширишди. Бўлмасам олмасдим-а. Каникулга борганимда шу соатни сизга олиб бораман, хўпми, ойижон, олмасиз-а?»

— Ҳа, оламан, болам, оламан, — деб юборди Меҳри опа.

— Нимани олсан? Меҳри опа ялт этиб ёнига қаради, эрини кўрди.

— Валижондан хат келди, мана, — деди-да, суратни узатди. Маҳкам ака суратдан кўзини олмай ўзича гапирарди.

— Оббо азамат-эй, оббо азамат-эй... Меҳри опа кечликка барвақтроқ унади. Овқатни сузаётганида ўғилчасини етаклаб, Назира кириб келди. Меҳри опа дастурхонга шунча таклиф қилса ҳам унамади.

Меҳри опа кийиниб бўлгунча, Назира ўғлининг кўзичоқ билан ўйнаганини томоша қилиб турди. Улар йўлда кетишар экан, Назира сўраб қолди:

— Тайёрландингизми, опа?

— Нимага? — ҳайрон бўлди Меҳри опа.

— Сўзлар экансиз-ку?

— Йўқ, ким айтди?

— Клуб мудир айтди-ку.

— Тавба, бир оғиз айтиб қўйишмайдиам-а.

— Ҳа, сиз ўринлатасиз, опа. Москвада сўзлаган одам...

— Шундай дейсан-да, кўпчиликнинг салобати босади.

Меҳри опа гапни хатдан бошлади. Ўғилчасидан биринчи марта «ая» деган сўзни эшитгандан тортиб, сўнги хатига ҳаммасини айтиб берди. Одам билан лиқ тўла катта зал пашша учса сезилгудай бўлиб унинг нутқини — онанинг юрак сўзларини тингларди.

...Мен Валижонни ўз кўкрак сутим билан тарбияладим. Йўқ, мен уни юрак-бағримнинг ҳарорати билан вояга етказдим. Бу юрак, мана шу қалбимизнинг кучли ҳарорати олдида атом бомбалари ҳам музга айланади. Тинчлик бўлсин деб, қўйилаётган имзолар миллионлаб, юз миллионлаб пок қалбли кишиларнинг имзосидир. Бу шундай зўр кучки, ҳар қандай атом бомбаси ҳам унга бас келолмайди...

Ўтирганларнинг кўз олдида, худди шу саҳнада қизил галстугини ҳилпиратиб, бир неча марта декламация айтган, ҳамманинг ҳавасини келтирган Валижон намоён бўлди. У ҳозир ҳам саҳнада кўнгиракдай овозини жаранглатиб шундай деб тургандай:

— Тўғри айтдингиз, она!

1955 йил

Ҳар қандай кутубхона нафақат китоб фонди ва профессионал кутубхоначига, балки китобга меҳр қўйган, унга кўп йиллар хизмат қиладиган фойдаланувчиларига ҳам таянади. Китоб ўқийдиган одамнинг сўз бойлиги, тафаккури, дунёқарашини ўзгача бўлади. Китоб ўқишни севиш учун албатта ёзувчи ёки шоир бўлиш шарт эмас ёки фақат ёзувчи шоирларгина ўқимайди. Дунё илмини билиш, суҳбатдошинг фикрини ўқиш, мақсадини яхши англаш учун ҳам кўпроқ ўқиш муҳим.

Шу ўринда китоб ва китобхонлик ҳақида баъзи терминларни ҳам келтириб ўтсак, доимий равишда китоб ўқишни яхши кўрадиган одамни "библиоманик", шунингдек, "китобсевар" деб аташади.

Библиофилия — том маънода китобга муҳаббат.

Библиофил — нодир ва қимматли нашрларни йиғувчи шахс; китобни севувчи ва билувчи.

Истеъмолчи-фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмат кўрсатишнинг

ва қайғу ҳақида ҳикоя қилади. Мен Тошкент шаҳар "Билим" ахборот-кутубхона марказининг ашаддий ва доимий китобхониман, десам муболаға бўлмайди. Бу ердаги хилма-хил китоблар, даврий нашрларни варақлаб, қизиқарли ва ўзимга керакли маълумотларни топиб мутолаа қилишни яхши кўраман, — дейди Алла Паномарева.

— Китоб ҳақида "Китоб сизнинг дўстингиз, усиз қўлсиз кабисиз", дейишади. Китоб ҳамиша мадақдор бўлган, у билим берган, янги, сеҳрли олам эшикларини очган, илм ва ҳикмат ўргатган. Китоб ҳақидаги мақол ва маталлар ўқувчида уларга тўғри муносабатни шакллантириш, китоб ўқишга қизиқиб уйғотишда ёрдам беради. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу билим маконида меҳнат қиладиган камтарин инсонлар — кутубхоначи мутахассисларга ўз миннатдорлигини билдириб қўймоқчиман. Одоби чеҳрасидан гўзал ходимлар муомаласи, маданияти ва маънавияти билан ўқувчиларни меҳрини қозона олган, — дейди Мавжуда Орзиева.

КУТУБХОНАМИЗНИНГ ФАХРИЙ КИТОБХОНЛАРИ

ўзига хос мақсади ва вазифалари китобхонлар эътиборини қозонишга имконият яратади. Китобхонларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг вазифалари қанчалик мақсадга мувофиқ, тўғри шакллантирилса хизмат кўрсатиш даражаси камол топиб, кутубхоналарнинг тараққиёти учун асосий омил бўлади.

Ақлий камолот юксак илмийликни, маданиятлиликни ва нафосатни ўзида ифодаласа, жисмоний камолот китобхонни ҳар томонлама жисмоний соғлигини ифодалайди. Ақлий ва жисмоний камолотни китобхонда уйғунлашуви баркамоллик нишонасидир.

Ўқиш маданий тажриба натижаси бўлиб, уни ўзлаштириш даражаси кўп жиҳатдан ижтимоий шароит, таълим даражаси ва ёшга боғлиқ.

Ахборотдан фойдаланувчи — фойдаланувчи ҳам индивидуал психологик, ҳам ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида шаклланади. Унинг фаолияти инсоннинг ҳам, жамиятнинг ҳам умумий маданий, интеллектуал ҳаётининг элементига айланади.

Бу галги мақоламизда биз сизга кутубхонадан фойдаланишда кўп йиллик узлуксиз ўқиш тажрибасига эга бўлган содиқ фахрий китобхонларимизни тақдим этамиз: Орзиева Мавжуда, Тарасова Людмила, Паномарева Алла, Турсунов Мирҳошим, Турсунова Мавлуда, Родионова Светлана, Абулқосимов Маман, Рамазонов Назир ва бошқалар.

Бу инсонлар — Тошкент шаҳар "Билим" ахборот-кутубхона марказининг 20-30 йиллик фахрий китобхонлари — жуда қизиқарли ва билимдон шахслардир. Кутубхона уларнинг худди иккинчи уйи. Қизиқишлари жуда хилма-хил. Малакали ва билимдон китобхон, ажойиб суҳбатдош, қизиқарли ҳикоячи, турли адабиёт ва даврий нашрларни ўқишни яхши кўрувчи республикамиз ва дунёда юз бераётган янгиликларидан мунтазам хабардор бўлиб боришга интилувчан, ўзининг кекса ёшида ҳам илм олишдан, билимга эга бўлишдан тўхтамайдиган зукко китобхонлардир.

Кутубхонамиз фахрий китобхонлари китоб ўқиш санъати ва китобхонлик ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

— Бу китоб жавонидаги ҳар бир китоб менга таниш. Айниқса қадимий эски китоблар биз билан нафақат матни, балки ташқи кўриниши орқали ҳам гапирарди. Уларнинг камтарона муқовалари уйимиз ва аждодларимиз, уруш ва тинчлик, севи

— Ўқиш ахборот фаолиятининг бир тури сифатида шахсни шакллантириш таркибида алоҳида ўрин тутади. У ақлий фаолиятни шакллантиради ва инсон шахсини ривожлантириш ва тарбиялаш учун асосдир. Менга бу даргоҳга ташриф буюриш ҳамиша завқ бағишлайди. Инсонга зийнат бағишлайдиган фазилат одоб-ахлоқдир. Кутубхонанинг маданиятли мутахассислари ўзининг хушодоби, ҳар бир саволингизга эринмай, батафсил жавоб бериши, ҳар доим ёрдамга шай туриши таҳсинга лойиқдир. Шу аснода ёшларга, умуман барча китобни севувчиларга битта маслаҳатим: "Ўқинг, ўқинг ва яна ўқинг!", — дейди Людмила Тарасова.

— Мен ёшлигимдан ўта кетган китоб севарман, десам айбга буюрмайсиз. Китоб ўқишни жуда яхши кўраман. Бугун интернет замони. Бироқ, китобни кўлингга олиб, жилдларини варақлаб ўқишга барибир ҳеч нарса етмайди. Алоҳида таъкидлаш керак бўлган жиҳат Тошкент шаҳар "Билим" ахборот-кутубхона марказининг оҳанграбоси бор. Кишини кўринмас ип билан ўзига тортиб туради. Балки бу ерда меҳнат қиладиган ходимларнинг муомала-муносабатими ёки адабиётларни, газета-журналларни хилма-хиллигим, ҳамиша ўзига жалб этиб туради, — дейди Мирҳошим Турсунов.

Булар ўз ҳаётини китобсиз тасаввур қила олмайдиган ҳурматли инсонлар, кутубхонадаги барча тадбирларнинг фаол иштирокчилари, донолар, ватанпарварлик тарбияси ёрдамчиларидир. Уларнинг ҳар бири индивидуал, ўз қизиқишлари ва сеvimли машғулотларига эга.

Тажрибали китобхон ўзгача китобхон бўлиб, уларнинг ортида узоқ умр йўли бор. Улар замонлар, авлодлар ўртасидаги жонли боғланишни ифодалайди, китобхонликни тарғиб қилиш, китобга қизиқишни оширишда намунадирлар.

Бу китобхонлар фаол ҳаётини позицияга эга, уларнинг ҳаёти сеvimли машғулотларига тўла, умидсизлик ва зерикашга ўрин йўқ, шарафли ёшда китобга бўлган чексиз қизиқиши катта, ҳурматга сазовор бўлган инсонлардир.

Кекса, донишманд авлодимиз, биз сизларни қадраймиз ва ҳурмат қиламиз, нозик эътиборингиз, ҳар бир янгиликка қизиқишингиз, китобга меҳрингиз учун раҳмат.

Ш.ЮНУСАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар "Билим" ахборот-кутубхона маркази
Ахборот-библиография хизмати бош библиографи

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Йўналиш тури
Шаҳар атрофи йўналиши			
1.	VX-224 й.т	“Гулбаҳор кўрғони-Эркин – Жанубий вокзал АШБ”	йўналишли такси
2.	VX-293 й.т	“Тараққиёт” МФЙ – “Муротали” МФЙ”	йўналишли такси
3.	VX-316 й.т	“Бўка АШБ – Гулистон ф.у” (Кўкорол орқали)	йўналишли такси
4.	VX-318 й.т	“Йилқичи” МФЙ – Қўйлик дехқон бозори”	йўналишли такси
5.	VX-319 й.т	“Кучлик” маҳалласи - Туман маркази – “Қорасув МФЙ”	йўналишли такси
6.	VX-341 й.т	“Хўжақишлоқ бекати – Оҳангарон АШБ”	йўналишли такси
7.	VX-346 й.т	“Болта” (Жунсиз) маҳалласи – Қўйлик кийим бозори”	йўналишли такси
8.	VX-375 й.т	“Янгибозор АШБ – Паркент АШБ”	йўналишли такси
9.	VX-527 й.т	“Чирчиқ АШБ – Қўйлик АШБ”	йўналишли такси
10.	VX-551 й.т	“Ғазалкент АШБ – “Қорамозор” қишлоғи	йўналишли такси
11.	VX-553 й.т	“Дўстлик” маҳалласи – Ғазалкент АШБ”	йўналишли такси
12.	VX-557 й.т	“Қузилсув” маҳалласи – Ғазалкент АШБ”	йўналишли такси
13.	VX-609 й.т	“Янгибозор АШБ – Бўстон қишлоғи (Аччисой орқали)”	йўналишли такси
14.	VX-692 й.т	“Оққўрғон АШБ – Қўйлик дехқон бозори”	йўналишли такси
15.	VX-359	“Кўрғонча” маҳалласи – Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)”	автобус
16.	VX-468	“Дам олиш уйи (Бобур кўчаси) – Чорсу савдо маркази”	автобус
17.	VX-500	“Ғиштқўприк чегара блок пости – Қўйлик дехқон бозори”	автобус
18.	VX-580	“Чиноз маркази (Мотамсаро она ҳайкали) – Олмазор метро бекати”	автобус
19.	VX-606	“Дўстобод АШБ – Қўйлик дехқон бозори (Тошовул орқали)”	автобус
20.	VX-618	“Нурафшон АШБ – Тошкент автовокзали (Олмазор метро бекати)”	автобус

Тошкент вилояти ҳудудидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларни бириктириш бўйича электрон тарзда ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги “Автомобиль транспортида йўловчи ташиш йўналишлари бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 738-сонли қарори талабларига мувофиқ шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини бириктириш юзасидан очик тендерлар фақат электрон ахборот тизими орқали ўтказилади. Тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, тегишли равишда автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташувларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳамда электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 738-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларни бириктириш бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”га мувофиқ:

- Тендерда қатнашиш учун таклифлар талабгорлар томонидан ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этилади;

- Айнан битта автотранспорт воситаси бир вақтнинг ўзида бир нечта тугалланмаган

лотларга ҳамда амалдаги шартномага мувофиқ йўналишга бириктирилган автотранспорт воситаларининг тендер таклифи сифатида ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилмайди (шартноманинг амал қилиш муддати тугашига олтиш ва ундан кам кун қолганида мазкур шартномада кўрсатилган автотранспортларнинг ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилади).

Талабгор тендер таклифларини тақдим этиши учун тендерни ташкил этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида эълон бериш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдорида тўловни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳисоб рақамига (АТБ “Ипотека банк” Чилонзор бўлими, х/р: 4014108604262773422967279, банк коди 00997, СТИР: 202811527) ўтказиб, 2024 йил 19 февраль соат 14:00 гача ўз тендер таклифларини ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этиш шарт.

Очиқ тендер савдоси 2024 йил 20 февраль куни соат 14:00 бўлиб ўтади.

Тендер таклифлари белгиланган муддат якунланганидан кейин қабул қилинмайди ҳамда Тендер таклифлари тақдим этилганидан кейин қатнашчилар уларга тузатиш киритиш ҳуқуқига эга эмас.

Қатнашчилардан тендер бўйича келиб тушган таклифлар ахборот тизими орқали автоматик тарзда баҳоланади.

Тендерни ташкиллаштириш бўйича ваколатли орган: Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Тошкент вилояти Транспорт бошқармаси.

Маълумот учун телефон: (+99871) 202-05-00 (213).

«Olmazor kichik sanoat zonasi» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ХАБАРНОМА

Ҳурматли акциядорлар!

«Olmazor kichik sanoat zonasi» АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил 12 январдаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йил 8 февраль куни масофадан туриб электрон овоз бериш тизимида (<http://evote.uz>) ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри 2024 йил 4 февраль ҳолатига тузилади.

Электрон почта манзили: oniks.mikond@mail.ru.

Кун тартиби:

- Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
- Жамият Устави янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида.
- Жамият Бошқарув органлари (Кузатув кенгаши ва ижроия органи) меҳнатига ҳақ, мукофот ва компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларидан эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ва кун тартибдаги масалалар бўйича масофадан туриб овоз бериш учун id.gov.uz да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари шарт. Электрон овоз бериш www.evote.uz веб-сайти орқали амалга оширилади.

Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уйда жойлашган «Olmazor kichik sanoat zonasi» АЖнинг бош офиси биносида ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача ёки www.evote.uz веб-сайти орқали танишишлари мумкин.




Телефон: 71 248-02-70.
Кузатув кенгаши

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 4 январдаги 3-14-0-Q/24-сонли қарори билан “Махсустрас ишлаб чиқариш бошқармаси” давлат унитар корхонаси томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўлов тарифлари миқдорлари тасдиқланди.

Унга кўра:

- Аҳоли учун бир киши бир ойда – 7 500 сўм.
 - Бюджет ва хўжалик ташкилотлар 1 м3 – 89 977,57 сўм.
 - Суюқ қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун бюджет ва хўжалик ташкилотлар 1 тн – 188 808,96 сўм.
 - Қаттиқ маиший чиқиндиларни “Оҳангарон” чиқинди ташлаш майдонигача НД-310 махсус автомашиналарида (центровоз) олиб чиқиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар (ЧҚЮ ва УК филиали) 1 тн – 78 507,57 сўм.
 - Корхона ва ташкилот қаттиқ маиший чиқиндиларини (Яшнобод, Яққасарой ва Юнусобод, ЧҚЮ) пунктларига маиший чиқиндиларини қабул қилиш, утилизация қилиш (зичлаш) ва Оҳангарон полигонига ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар (ЧҚЮ ва УК филиали) 1 тн – 116 461,34 сўм.
 - Корхона ва ташкилот қаттиқ маиший чиқиндиларини Оҳангарон полигонига қабул қилиш ва утилизацияси қилиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар (ЧҚЮ ва УК филиали) 1 тн – 59 399,61 сўм.
 - Корхона ва ташкилотлардан Оҳангарон полигонига чиқинди қабул қилиш ва кўмиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар (ЧҚЮ ва УК филиали) 1 тн – 861 112,01 сўм.
- Юқоридаги тариф суммалари ҚҚСсиз кўрсатилган.
Қарор эълон қилингандан 15 кун ўтгач кучга киради.

“Темирйўл-суғурта” АЖ суғурта компаниясига тегишли бўлган № 10-032389 ва № 10-036977, № 10-024907-сонли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

 МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ	Бош муҳаррир: Севдо НИЁЗОВА	«Toshkent oqshomi»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назардан фарқлангани мумкин	2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-001-рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи 563 Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. Адади 500 нусха, коғоз бичими А3	Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди Тошпириш вақти 00:55 Тоширилди 05:00 Буюртма -	 
	Нашир учун масъул: З. НАЗАРОВ	Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Истиклол, 51	"Niso nashriyot va matbaa uyi" босмахонасида chop этилди. Манзил: Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани, "Машъал" МФЙ, 1-уй.		